

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI SAMARQAND DAVLAT
UNIVERSITETI**

**«IQTISODIY VA IJTIMOiy GEOGRAFIYA»
kafedrasi**

Холдоров Абдуқаюм Холдорович

**«JAHON IQTISODIY VA IJTIMOiy GEOGRAFIYASI»
FANIDAN**

КУРС ИШИ

**МАВЗУ ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИГА
ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК ТАВСИФ**



Илмий раҳбар: доц. М.Усмонов

Samarqand- 2011

I-Боб ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ГЕОГРАФИК ҲУСУСИЯТЛАРИ

- 1.1 Географик ўрни ва жойлашуви
- 1.2 Табiiй шороити ва ресурслари
- 1.3 Аҳолиси ва тарихи

II-Боб ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК БАҲОЛАШ

- 2.1 Саноат тармоқларининг таркибий тузилиши ва иқтисодий тавсиф
- 2.2 Қишлоқ хўжалиги
- 2.3 Транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалари
- 2.4 Ички тафавутлар

III-БОБ. ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КЕЛАЖАҚДА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

- 3.1 Ҳозирги кўриниши ва туризм индустрияси
- 3.2 Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муоммолари

Хулоса

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

Германия федератив республикаси




1.1 Географик ўрни ва жойлашуви

Германия федератив республикаси -Марказий Европада жойлашган. Ғарбда Нидерландия, Люксембург ва Франция, шимолда Дания, шарқда Польша ва Чехия, жанубда Австрия ва Швейцария билан чегараланади. Шимолий қисмини Болтиқ денгизи, Шимолий денгиз сувлари ювиб туради. Бу марказий ҳолат 1990 йил 3 октябр куни Германия бирлиги қайта тиклангандан кейин янада яққол кўзга ташланди. Германия шарқ ва ғарб орасида ҳар қачонгидан ҳам каттарок алоқа маркази ҳисобланади. У Европа ҳамжамияти ва НАТОнинг аъзоси бўлиб, Марказий ва Шарқий Европа давлатлари орасида алоқачилик воситаси вазифасини бажаради.

Германия Федератив давлатчилиқнинг классик мамлакати ҳисобланади. Германиянинг давлат ҳудуди 357000 км² ни ташкил қилади. Шимолдан жанубгача бўлган энг узун масофаси 876 км. ғарбдан шарққа эса 640 км, чегарасининг четки нукталари: шимолда Зилт оролидаги Лист шаҳарчаси, шарқда-Дешка саксонлар қишлоғи, жанубда-Оберстдорф баварлар қишлоғи ва ғарбда-Зельфкант шаҳарчаси. Чегараларининг умумий узунлиги-3767 км. Мамлакат ҳудуди 3 та табиий районга ажратилади: 1. Шимолий Германия пастилтекислиги 2. Мураккаб тузилишга эга бўлган қадимги тоғлар (Грац, Шварцвальд, Тюрингия урмонлари). 3. Жанубий Бавария ясси тоғлиги. Мамлакатнинг энг баланд чуққиси Астрия чегарасида жойлашган.

Германия федератив республикаси картаси



1.2 Табiiй шарoити ва ресурслари

Германиянинг шимолий қисми Марказий Европа текислигида жойлашган. Унинг бу қисми Шимолий ва Болтиқ денгизлари билан туташган, жанубий қисмида 500-700 м баландликдаги тоғлар ва улар орасида текисликлар бор. Жанубда Шарқий Альп тоғлари қад кутарган (энг баланд нуктаси 2963 м). Германиянинг шимолида ва тоғ қисмида куллар куп. Бу куллар баликларга ниҳоятда бой. Германиянинг хайвонот дунёси инсон таъсирида анча узгарган. Купгина еввойи хайвонлар йук булиб кетган, баъзи жойларда бугу, элик, серна, оху ва бошқа хайвонлар учраб туради. Германия усимлик дунёсига жуда бой. Уни дунёдаги энг "яшил" давлат десак хато булмайдиган. Германиянинг иклими муътадил, денгиз иклими, гарб ва шомли-гарбдан жануби шаркка томон денгиз иклимидан муътадил-континентал иклимга утиб боради. Январнинг уртача харорати 00С, кишда туман куп булади. Кор тез эриб кетади. Июлнинг уртача харорати 16-170 С, йиллик егин миқдори 550-700 мм. Тоғларнинг баланд қисмида ёз салкин, егин миқдори 1000-2000 мм. Германиянинг купчилик дарёлар (Рейн, Эмс, Везер, Эльба) Шимолий денгизга куяди. Унинг энг катта ва иқтисодий жихатдан муҳим даерси-Эльба (йирик ирмоклари: Мульде, Заале, Хафель). Элбанинг кемалар катнайдиған, текисликдан окувчи қисми каналлар оркали Одер, Везер ва Рейин дарелари хамда Болтиқ денгизи билан бирлашади. Германиянинг рур ва Саар хавзаларидан куп миқдорда тошқўмир, Куйи Рейн хавзасидан эса қўмир казиб олинади. Кўнгир кумирнинг йирик конлари Бранденбург ва Саксонияда жойлашган. Электр энергиясининг куп қисмини ИЭСлар, 10% ини ГЭСлар беради. Электр энергиянинг куп қисмини берувчи ИЭСлар кунгир кумирдан фойдалнишга асосланган. Шунинг учун мамлакатда казиб олинган кунгир кумирнинг деярли хаммаси шунга сарф

килинади. Бундан ташкари мамлакатда умумий қуввати 900 минг кВт булган 6 та АЭСлар ҳам бор. Булардан ташкари Германияда калий ва ош тузлари, кора ва рангли металл ҳамда нобел уран рудаси казиб олинади. Темир рудаси мамлакатда жуда тансиқроқ, шунинг учун темирни купрок четдан сотиб олишади. Умуман олганда мамлакатда табиий бойликлар кам. Шунинг учун уларга булган эҳтиёжларнинг купрок қисми четдан сотиб олиш орқали кондирилади. Энергетика учун сарф килинадиган хом-ашенинг 2/3 қисми четдан олиб келинади.

1.3. Германиянинг аҳолиси ва тарихи

Германияда 81 млн аҳоли яшайди, 6,5 млн чет элликлар ҳам шулар қаторида. Германия аҳолиси жихатидан Европада Россия дан кейин туради, ундан кейин Италия-58, Буюк Британия-57 ва Франция 56 млн аҳоли. Лекин эгаллаган ҳудуди бўйича Германия, Франция (552.000 кв.км) ва Испаниядан (505.000 кв.км) кейин туради. Аҳолининг зичлиги 1 кв.кмга 224 киши тўғри келади. Аҳоли Германия ҳудудида тенг жойлашмаган. Бирлашгандан кейин Берлинда аҳоли тез сурутлар билан ушиб кузатиляпти ва 2005 йилга бориб аҳоли 8 млндан ортиши кутилмоқда. Рур ва Рейн саност районларида шаҳарлар бир-бирига сезилмайдиган даражада қушилиб кетган, бу ерда 4 млндан ортик аҳоли яшайди ва зичлик 1 кв.кмга 5500 киши. Яна бошқа шаҳар агломерациялари бўлиб, Франкфурт шаҳри билан Рейн-Майн райони, Висбаден ва Майнц, Мангейм ва Людвигсфакен шаҳарлари билан Рейн-Неккара ишлаб чиқарув региони, Штутгарт атрофидаги иқтисодий региони ҳамда Бремен, Дрезден, Гамбург, Кельн, Лейпциг, Мюнхен ва Нюрнберг иқтисодий регионлари ҳисобланади. Германиянинг гарбидаги аҳоли шаркидаги 5 та федерал ландаги аҳолига қараганда зичроқ жойлашган. Умумий майдонинг 30% ида, яъни Германиянинг шарқий қисмида аҳолининг 1/5 қисми яшайди. Германиянинг шаркида жойлашган 20 та шаҳарнинг факат 4 тасида аҳоли сони 300.000 дан ортик. Аҳолининг 1/3 қисми 85 тв йирик шаҳарларнинг (100.000 дан ортик бўлган) бирида яшайди. Бу эса 27 млнни ташкил келади. Германиянинг эски ва янги ланлари аҳолиси 70-йиллар бошларида тугилиш даражасининг кискариши натижасида камайди. Лекин 90-йиллардан бошлаб унинг ушиб кузатилмоқда. Шунга карамай 1000 одамга 11 та кўпайиш тўғри келмоқда, чунки Германия тугилиш даражаси энг паст бўлган мамлакатлар қаторига киради. Германия чет эллик кишиларга нисбатан эшиги очик давлатдир. Унда 6,5 млн чет эллик яшайди ва улар шарқдагига қараганда гарбда кўп жойлашган. Уларнинг ҳаммаси Германияда уз истаклари билан қолишган. Турклар Германияда чет элликларнинг энг кўпини ташкил келади. Германияда 2 млнга яқин турк яшайди. Германия айрим туркларнинг 2-Ватани бўлиб қолган. Улардан кейин собик Югославиядан қелган қочоқлар бўлиб, улар 1 млн кишини ташкил келади. Улардан кейин эса 560.000 италянлар, 350.000 греклар, 286.000 полялар, 185.000 австрияликлар, 167.000 руминлар, 134.000 испанлар келади. Португаллар, инглизлар, америкаликлар, голландлар ва эронликлар 100.000 дан 130.000 гача. Чет тилда гапирувчилардан 91.000 французларни, 64.000 чех ва словакларни, 61.000 венгрларни еки 59.000 болгарларни, келиб чиқиши шарқдан бўлган. 86.000 вьетнамликларни, 53.000 ливанликларни, 44.000 Шри-Ланкадан қелганларни, 42.000 афгонларни, 36.000 хинд ва собик Иттифокдан қелган 61.000 кишиларни ташкил келади, лекин уларни эътиборга олмайдилар. Чет элликларнинг 60% идан кўпроги Германияда 10 йилдан ортироқ вақт давомида яшаб келмоқдалар. Чет элликлар фарзандларининг 2/3 қисмидан кўпроги шу ерда тугилган. Германия чет элликлар учун очик давлат эканлигини факат ишчи қучлари, уларнинг қариндош-уруглари, бошпана сураётган шахслар, ҳарбий қочоқларни қабул қилиши билан эмас, балки «Европа жамиятида яшаш ва ишлаш ҳуқуқи ҳар бир шахсда бор» деган гапи билан исбот қилди. Дунёдаги ҳеч бир давлат сиёсий бошпана суровчилар учун Германия қаби очик эмас. Германия 1992 йилда Европа давлатларидан бошпана сураган шахсларнинг 80% ини қабул қилди. Мисол учун сиёсий бошпанага муҳтож одамлар 1989 йилда 121.318, 1991 йилда 256.112 ва 1992 йилда 438.191 кишини ташкил қилган.

Чет эллик ишчи ва хизматчиларнинг, тадбиркорларнинг Германиянинг янада ривожланиб, гуллаб яшнашида кўп хизматлари бор. Улар мамлакатнинг иқтисодий усишида кўп ишларни қилдилар ва ҳар йили давлатга 100 млрд. марка даромад келтиришади. Германияда аҳолининг кўпчилиги қисми 7 млндан ортиқ аҳоли, аҳоли сони 2000 гача бўлган кишлоқларда 46 млн аҳоли, аҳоли сони 2000 дан 10.000 гача бўлган унча катта булмаган шаҳарларда, қолган 28 млн. аҳоли эса йирик шаҳарларда жойлашган.

II-Боб ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК БАҲОЛАШ

2.1 Саноат тармоқларининг таркибий тузилиши ва иқтисодий тавсиф

Германия юксак даражада ривожланган индустриал мамлакат ҳисобланади. Умум иқтисодий кудратига кура дунёда учинчи уринда туради. Жаҳон савдосида 2-уринда туради. Ялпи ички маҳсулот таркибида саноат ва қурилишнинг улуши 33,6% бўлса кишлоқ ҳўжалиги улуши 1,2% ни ташкил этади.



Машинасозлик саноати дастгоҳарнинг кўпгина турларини, туқимачилик машиналарини, турли хил электро техника асбобларини, оптика, тракторлар ва кишлоқ ҳўжалиги машиналари, вагон ва локомотивлар, ЭХМ, компьютер, аудио-видео аппаратлар, фотоаппаратлар, алоқа жихозларини, автомобилларни, автобусларни, мотоцикл ва велосипедларни, турли хил қуролларни ишлаб чиқаради.

Киме саноати пластмассалар, синтетик, сунъий тола ва сунъий каучук, кислоталар, содалар, лак ва буюқларни, уғитларнинг кўплаб турларини, дори-дармонлар (экспорти буйича 1-уринни эгаллайди), арит-упаларни тайерлайди.

«Сименс» концерини, «Фольсваген», «БМВ», «Мерседес-Бенц», «Даймлер-Бенц» каби автомобилсозлик фирмалари, «Феба» ва «РВЕ» электр техника концерни еки «Бош» гуруҳи бутун дунёга машхур бўлиб, дунёнинг ҳамма жойларида филиаллари, қорхоналари еки тадқиқот муассасалари бор.



Германия дунёдаги 3 та етакчи мамлакатлардан бири бўлиб, саноат ишлаб чиқаришнинг ҳажми жихатидан АҚШ ва Япониядан кейинги уринда туради. Ишлаб чиқариш немис иқтисодиетининг асосий таянчи ҳисобланади. Кейинги йилларда Германия халқ ҳўжалигининг интенсивлиги ва самарадорлигини юксалтириш борасида катта ишлар олиб қорилмоқда. Саноатдаги, қурилишдаги ва транспортдаги қорхонлар асосий ҳўжалик бирлиги ҳисобланади. Германияда 52.000 ишлаб чиқариш қорхоналари мавжуд бўлиб, уларда 7,5 млн киши фаолият қўрсатади. Бундай қўрсаткич бошқа ҳеч қандай тармоқда йук. Ишлаб чиқариш 1982-2002 йиллар орасида турли сабабларга кура 51,7 дан 37,7% гача пасайди. Хизмат қўрсатиш соҳаси эндиликда ялпи даромадининг 32,4 фоизини беради. Савдо-сотик ва транспорт эса 14,4% ини беради. Информатика ва алоқа

техникаси еки авиация ва космонавтика тармоқлари каби иқтисодий ушшани бошдан кечираётган саноат тармоқлари ишлаб чиқаришда эски тармоқлар булмиш, туқимачилик ва тулат ишлаб чиқариш тармоқларидан илгарилаб бормокда. Ишлаб чиқариш корхоналарининг факат 2,5% и 1000 дан ортик ишчиларга эга бўлган йирик фирмалардир. Германиянинг ишлаб чиқариш хужалига асосан уртача фирмалардан ташкил топган. Уртача корхоналар мамлакатда мавжуд корхоналарнинг $\frac{2}{3}$ қисмини ташкил қилиб, уларда 100 га яқин ишчи кучи меҳнат қилади. Майда ва уртача корхоналарнинг ривожланиб бориши билан биргаликда йирик ишлаб чиқариш фирмаларининг ҳам мавқеъи ошиб бормокда. Ишлаб чиқаришда банд бўлган кишиларнинг қарийб 40% га яқини (3,5 млн киши) йирик фирмаларда фаолият кўрсатишади. «Сименс» фирмасида 413.000 киши фаолият кўрсатади. Бундан ташқари ишлаб чиқаришдан келадиган даромаднинг ярми йирик фирмалар ҳиссасига тўғри келади. Дунёга машҳур «Фолксваген», «ВМВ» ва «Даймлер-Бенц» автомобилсозлик фирмалари, «Хехст», «Байер» химия концернлари, «Рурколе» кумир қазиб олиш фирмаси, «Сименс» электроконцерни, энергетика концернлари дунёнинг барча ерларида уларининг филиалларига эга бўлиб, уларнинг ҳаммаси акционерлик жамиятларидир. Бундан ташқари йирик фирмалар кичик ва урта фирмаларнинг домий буютрімачилари бўлиб ҳисобланади. Ишлаб чиқариш 2-жаҳон урушидан кейин Германиянинг уз иқтисодиетин тиклаб олишда катта ҳиссасини қўшди.

Ёқилғи-энергетика саноати. Германия энергетикаси ўз эҳтиёжларининг ярмидан кўпини импорт ҳисобига қондиради. Нефт ва газ асосий аҳамиятга эга. Кўмирнинг ҳиссаси 30% га яқин. Нефт танкерларда ва нефт қувурлари орқали Шимолий денгиз, Россия, Африка давлатлари (Нигерия, Ливия), Форс кўрфази давлатларидан келтирилади. Нефтни қайта ишлаш заводлари мамлакат бўйлаб бир текис жойлашган. Энг йирик марказ-лар — Гамбург, Кёльн, Карлсруэ, Шведт ва бошқалар.

Газ саноати Нидерландия, Шимолий денгизнинг Норвегияга қарашли қисми, Россиядан келтириляётган ва маҳаллий конлардан олинаятган табиий газга асосланади.

Ўтмишда энергетиканинг асоси бўлган тошқўмир саноати сўнгги йилларда рақобатбардош эмаслиги туфайли инқирозга учра-мокда. Оқибатда, Германия йирик кўмир экспорт еридан импорт ерга айланди (жаҳон бозорида кўмир Германияникига қараганда 3—4 марта арзон). Кўп миқдордаги кўмир АҚШ, Полша, ЖАР ва ҳатто, Австралиядан келтирилади. Кўнгир кўмирни қазиб олиш бўйича бирлашишдан олдин Шарқий Германия жаҳонда биринчи ўринни эгаллар эди (ҳозирги вақтда бутун мамлакатда бундай кўмир 250 млн. т дан зиёд миқдорда қазиб олинаяди).

ГФР да электр энергиянинг асосий қисми иссиқлик электр стан-сияларида ишлаб чиқарилади. ИЭСлар Рур ва Саар ҳавзаларида, порт шаҳарларида — кўмирда, нефтни қайта ишлаш марказларида мазутда ишлайди, бошқа ИЭС лар эса аралаш ёқилғида ишлайди.

АЭС ларда электр қувватининг 30% и ишлаб чиқарилади (улар кўмир ҳавзаларининг чегарасидан ташқарида қурилган). ГЕС лар, асосан, мамлакатнинг жанубида (тоғ дарёларида) жойлашган.

Қора металлургия саноати. Германия саноати ихтисослашувининг муҳим тармоқларидан бири ҳозирги пайтда инқирозга учраб бораётган ва халқаро рақобатга қийинчилик билан бардош бераётган тармоқлар ҳисобига қиради.

Чўян, пўлат эритиш ва металл буюмларини ишлаб чиқариш бўйича мамлакат Ғарбий Йевропада етакчи ўринни, жаҳонда 5-ўринни эгаллайди. Пўлатнинг деярли ҳаммаси кислородли конвертор ва электр тоблаш билан олинаяди. Асосий заводлар Рур ва Қуйи Рейнда жойлашган. Тўла сикли заводлари Саар раёнида, Ўрта Саксонияда, Бременда ҳам мавжуд.

ГФР нинг рангли металлургияси, асосан, четдан келтирилган ва иккиламчи хомашё (рангли металл парчалари)да ишлайди. Корхоналар жойлашишининг бош омили — энергия ресурслари билан таъминланганлик ва хомашёни олиб келишдаги қулайлик. Алюминийни эритиш бўйича Германия Ғарбий Йевропада факат Норвегиядан кейинги

иккинчи ўринни эгаллайди. Асосий заводлар Шимолий Рейн-Вестфалия ерининг худудида, шунингдек, Гамбург ва Баварияда жойлашган. Қора мисни эритиш Гамбург ва бошқа шаҳарларда амалга оширилади.

Машинасозлик ва металлга ишлов бериш. Машинасозлик ва металлга ишлов бериш — ГФР саноатининг энг ривожланган тармоқларидан бири. Мамлакат саноат маҳсулотлари ва экспортининг ярмига яқин қисми машинасозликка тўғри келади. Энг йирик марказлар қуйидагилар: Мюнхен, Лейпциг, Нюрнберг, Мангейм, Берлин, Гамбург. Машинасозлик ишлаб чиқариши энг кўп ривожланган ерлар: Баден-Вюртемберг ва Шимолий Рейн — Вестфалиядир.

Электр техникаси тармоғи бўйича Бавария биринчиликни қўлга киритган (Мюнхен «Сиэменс» консерни), Берлин, Штуттгарт, Кёльн, Гамбург, Франкфурт-Майн энг йирик марказлар ҳисобланади. Автомобил ишлаб чиқариш бўйича Германия дунёда АҚШ ва Япониядан кейинги учинчи ўринни эгаллайди. «Фолксваген», «Мерседес-Бенз», «БМВ», «Форд-Верке», «Опел» каби фирмалар автомобил ишлаб чиқаради. Автомобилсозликнинг энг йирик марказлари — Волсбург, Штуттгарт, Кёльн, Рюсселхайм, Мюнхен шаҳарларидир.

Денгиз кемасозлигининг асосий марказлари — Кил, Гамбург, Бремен, Эмден, Росток ҳисобланади, дарё кемасозлигининг маркази — Дуйсбург шахридир. Оптика-механика корхоналарининг энг кўп тўпланган жойи — Баден-Вюртемберг ва Тюрингия ерларидир. Самолёцозлик саноатининг йирик марказлари — Мюнхен, Аэрсбург, Гамбург, Бремен ва шу шаҳарлар атрофидир.

Германия **кимё саноатининг** асосий раёни — бу Шимолий Рейн-Вестфалия еридир (бутун маҳсулотнинг 2/5 қисми). Энг йирик марказлари қуйидагилар: Леверкузен («Баер» консерни), Кёльн, Дармаген, Франкфурт-Майн («Хёэчст» консерни), Людвигсхафен («Басф» консерни).

2.2 Кишлоқ хўжалиги

Германиянинг **кишлоқ хўжалигида** бутун худуднинг 50 фоизидан фойдаланилади. Бироқ бу тармоқнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотига қўшган ҳиссаси (маҳсулот таннари бўйича) атиги 1% ни ташкил қилади.

Бутун маҳсулотнинг 60% ини (қорамол боқиш ва чўчқачилик йўналишлари айниқса ривожланган) чорвачилик беради. Германия худудининг 35% ини экин майдонлари ташкил қилади. Йем-хашак экинларига ажратилган майдон озиқ-овқат экинлари майдонидан анкиа кўп. Йем-хашакнинг кўп қисми ҳали ҳам четдан келтирилади. Дон экинлари ғарбий ерларнинг 3/5 қисмини, шарқий ерларнинг эса 1/2 қисмини эгаллаган.

Асосий озиқ-овқат экинлари — буғдой, сули ва арпа. Арпанинг баъзи навлари пиво тайёрлаш учун махсус етиштирилади. Озиқ-овқат дони билан Германия ўзини тўла таъминлайди.

Баварияда хмел етиштириш бўйича йирик раёнлар мавжуд. Картошка ва қандлавлагини етиштириш муҳирн аҳамиятга эга. Рейн ва унинг ирмоқлари атрофидаги водийларда (мамлакат ғарбида) узумчилик ва боғдорчилик кенг тарқалган.

Германия майдонининг ярмини ташкил қилувчи 36 млн.гектар ер кишлоқ хўжалиги учун ажратилган. Кишлоқ хўжалигига ажратилган ерларнинг 65,8% ини экинзорлар, 24,2% ини утлоқ ва яйловлар ва қолган 10% ини боғлар ва полиз-сабзавот экинлари учун ажратилган ерлар ташкил қилади. Шунинг учун ҳам Германия фақат юқори даражада саноатлашган давлат бўлиб қолмай, балки юқори сифатли маҳсулот етказиб берувчи кишлоқ хўжалигига эга. Германиянинг кишлоқ хўжалиги саноат соҳасидаги айрим муаммоларини ҳам ҳал қилади. Иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари каби кишлоқ хўжалиги ҳам охириги 40 йил ичида жуда узгарди. 1950 йилда Германиянинг ғарбидаги кишлоқ хўжалиги корхоналари сони 1 млн.га камайиб кетди. Иқтисодиётнинг бошқа

тармоқлари фойда куришнинг яхши имкониятлари пайдо булиши билан фермерчиликнинг хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш сохалари ривожланди. Бундан ташқари кишлок хўжалигига замонавий технологияларнинг кириб келиши билан ишчиларнинг сони камайди: 1950 йилда 1,6 млн. хўжалик бўлиб, унда 3,9 млн. ишчи ишлаган бўлса, 2002 йилда бу кўрсаткич 580 минг хўжалик ва 540 минг ишчини ташкил қилди.

Меҳнат унумдорлигининг ошиши билан ишчи кучи ва хўжаликлар сонининг кискариши кузатилди: 1950 йилда 1 та ишчи 10 та одамни бока олган бўлса, ҳозир 1 та киши 75 та одамни бока оладиган бўлди. Меҳнат унумдорлигининг шундай юкса даражада узишига қарамай, кишлок хўжалиги даромадининг ривожланиши ишлаб чиқариш иқтисодиети даромадининг ривожланишига ҳамма вақт ҳам етиша олмасди. 1980 йилларнинг охирига келиб даромадлар 10% гача кискариб кетди, лекин нар-навонинг кутарилиши туфайли даромадлар кўпайди.

Оилавий фермер хўжаликлари Германия кишлок хўжалиги учун олдингидай характерлидир. Фермер хўжаликлари кишлок хўжалигининг 70% идан кўпрогини ташкил қилиб, уларнинг ҳар бири 50 гектардан кам бўлмаган майдонга ишлов берадилар. Бошқа Грабий Европа давлатлари билан қиёслаганда бу ердаги оилалар уз ерларини ижарага берш орқали уз даромадларининг асосий қисмини оладилар. Хўжаликнинг 40% га яқинини шулар жумласига киритиш мумкин.

Сут, чучка гушти, мол гушти, дон ва шакар, лавлаги гарбий Германия кишлок хўжалигининг энг муҳим маҳсулотларидир. Узум, мева ва сабзавотлар, шунингдек, бошқа богдорчилик маҳсулотлари ҳам катта аҳамиятга эга.

Гарбий Германияда чорвачилик унча катта бўлмаган хўжаликлар асосида ривожланмоқда. Сут берувчи сизирларнинг 80% и 40 бошдан ортик бўлмаган фермаларда, чучкаларнинг 80% и эса 600 бошдан ошмаган фермаларда боқилади.

Шаркий Германия кишлок хўжалигининг роли узгача эди. 2-жаҳон урушидан кейин бу ерда 600 минг фермер хўжаликлари бор эди. Собик ГДР ҳукумати уларни мустақил иш юритишдан воз кечишга мажбур қилди ва уларнинг урнини кишлок хўжалик кооперативлари, йирик хўжаликлар эгаллади. Бирлашишдан олдин Германияда бундай хўжаликлар сони 5100 та эди. Бу хўжаликлар факат юир хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган эди.

Германия бирлашгандан кейин собик ГДРда кишлок хўжалиги реприватизацияси амалга оширилди. Хусусийликка доир муносабатларнинг ноаниқлигига қарамай, ҳозирги кунгача 14 минг фермер мустақил хўжалик юритишга қарор қилган. Бир вақтнинг узида кишлок хўжалик юритишга қарор қилган. Бир вақтнинг узида кишлок хўжалик кооперативларнинг $\frac{3}{4}$ қисми уртоклик ва акционерлик жамиятлари сифатида қайтадан руйхатга олинган.

Германия ҳукумати шаркий Германия кишлок хўжалигининг Европа Хамжамиятига мослашишнинг кийин жараенида узининг молиявий ердамини кўрсатяпти. Узининг меваларини бераётган собик кишлок хўжалиги кооперативларига ҳам уларни рақобатбардош фирмаларга айлантириш учун ердам бериляпти.

Юкори саноатлашган ва зич жойлашган Германия кишлок хўжалиги озик-овкат ишлаб чиқаришдан ташқари аҳамияти ортиб бораётган қушимча масалаларни ҳам ҳал қилмоқда. Булар: -ҳаётнинг табиий асосларини сақаш ва химоя қилиш: -табиий ландшафтларни, яъни табиатнинг гузал манзараларини муҳофаза қилиш: -саноатнинг аграр («тикланаётган») ҳом-аеш маҳсулотларини етказиб бериш.

Баликчилик. Баликчиликда ҳам кишлок хўжалигидаги каби структурвий узгаришлар юз берди. Денгиз билан туташган давлатларнинг барчаси балик овлаш ерларини 200 минг узайтирдилар. Балилар кўп овланиши натижасида баликларнинг захиралари қайиш қолди. Кўп балик овлаш Германия баликчилик флотининг кискаришига олиб келди. Шимолий денгиз Германия баликчилигининг асосий манбаи ҳисобланади. Ундан кейин Балтика денгизи, Гарбий Британ ва Гренланд сувлари келади. Баликчилик хўжалигида пайдо бўлган ҳавфни Германия факат Европа Хамжамияти

доирасида хал килиши мумкин, чунки Европа Хамжамияти балик турларини сақлашни назорат килиб туради. 1992 йилда Умумий Баликчилик Сиемати (УБС) қайтадан куриб чиқилди. Натижада кейинги 10 йиллик хақида баликчиликнинг ҳуқуқий доираларидаги янги УБС қонуни қабул қилинди. Унда аввалги УБСнинг асосий элементлари яна давом қилиб келмоқда. Буларга қисман «нисбий мустаҳкамлик» деб аталувчи хусусият ва балик захираларидан уларни ҳар йили овладидиган миқдорини қайта тиклаш йўлида фойдаланиладиган система қради. Бу янги қарорнинг келгусида баликчиликка ҳам иқтисодий ва экологик муаммолар қаби ендашиб, шу орқали денгиз ресурслари ва денгиз флотлари орасидаги қирим-қикимлар тенглигини урнатишдир.

2.3 Транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалари

Транспорт йўллариининг зичлиги бўйича Германия жаҳонда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Европа кенгаши бўйича шериклари билан бўлган иқтисодий алоқаларнинг жадаллиги ва Йевропанинг марказида жойлашгани билан боғлиқ ҳолда транспорт-нинг барча турлари ривожланган. Транспорт тармоғининг асосини **темирйўллар** ташкил қилади (44 минг км. га яқин), шулардан 90% қисми электрлаштирилган.

Умумий юк айланмасида асосий ўринни **автомобил транспорти** (60% атрофида), кейинги ўринларда темирйўл транспорти (20%), **ички сув (15%) ва қувур транспортлари** туради. Йўловчи ташишда автомобил транспортининг ҳиссаси янада юқори (90% га яқин). Олий даражадаги автомобил йўллариининг умумий узунлиги 11 минг км дан ортиқ.

Ички сув йўллариининг узунлиги — 7 минг км га яқин. Бош сув йўли Рейн дарёси, унда қўпгина йирик портлар жойлашган, жумладан, Дуйсбург порти — юк айланмаси йилига 50 млн. т ни ташкил этувчи дунёдаги энг йирик дарё портидир.

Германиянинг асосий дарёлари кема қатнайдиган каналлар орқали бирлаштирилган. Қуйидагилар энг муҳим аҳамиятга эга — Ўрта Германия канали, Дортмунд-Емс, Рурнинг саноат марказларини Рейн билан боғловчи Рур каналлари, Гамбургга олиб чиқадиган Элба айланма канали, шунингдек Майн-Дунай канали.

Контейер ташувчи кемаларнинг тоннажи бўйича Германия АҚШ, Панама, Тайвандан кейинги 4-ўринни эгаллайди. Мамлакатнинг денгиз портлари юк айланмаси бўйича Европа давлат-ларининг йирик портларидан пастроқ ўринларни эгаллайди. Энг йирик денгиз портлари Гамбург, Вилгелмсхафен, Бремен, Эмден, Росток ҳисобланади. Мамлакат ташқи алоқаларида денгиз транспорти қаторида ҳаво транспорти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Барча йирик ярмарка мар-казларида аэропортлар мавжуд. Жами Германияда 16 та халқаро аэро-портлар бор бўлиб, Франкфурт аэропорти Европада юк ташиш бўйича биринчи ва йўловчи ташиш бўйича учинчи ўринни эгаллайди.

Ўзбекистон билан дипломатик алоқалари

Ўзбекистон-Германия муносабатлари 1992 йилдан бошланган, бўлса ҳам икки давлат уртасидаги алоқадорлар узок даврга бориб такалади. Бунга мисол қилиб XX аср бошларида узбек чеварлари орасида немисларнинг «Зингер» тикув машинаси нихоятда машҳур бўлган.

Ўзбекистоннинг Гарбий Европадаги биринчи элчихонаси 1193 йилда Боннда очилган.

И.А.Қаримов биринчи марта Германия ташрифи 1993 йил апрел ойида бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолияти Миллий банкидир. Германиянинг «АКА», «КфВ», «Берлин Банк» ва «Дойч Банк» қаби банклари билан баъзи битимлар тузган. Ш битимлар асосида қамида 778,7 млн. немис маркаси миқдорида турли лойиҳаларни маблаг билан таъминлаш бошланди. Дунё мамлакатлари билан ташқи савдо

хажмлари буйича 4-урин, яъни «асосий шерик», 2000 йилда узаро савдо хажми 291,9 млн.АҚШ долларини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳузурида Германиянинг 40 та фирма ва корхоналари ваколатхоналари расмийлаштирилган.

2.4 Ички тафавутлар

Германия 16 та федерал ландлардан иборат. Булар: Баден- Вюртемберг (Штутгарт), Бавария (Мюнхен), Берлин, Бранденбург (Постдам), Бремен, гамбург, Гессен (Висбаден), Мекленбург-Померания (Швери), Рейнланд-Пфальц (Майнц), Саар (Саарбрюккен), Саксония (Дрезден), Саксония-Ангальт (Магдебург), Тюрингия (Эрфурт), Шимолий Рейн Вестфалия (Дюссельдорф), Шлезвиг-Голштейн (Киль), Куйи Саксония (Ганновер), Берлин, Бремен ва Гамбург шаҳар давлатларидир. Германия доим ландларга булинган, лекин асрлар давомида географик карта тез-тез узғариб турди. Бирлашгунга қадар ГФР 11 та ландга булинган эди. Бирлашгандан сунг ГДРнинг 5 та: Бранденбург, Мекленбург, Померания, Саксония, Саксония-Ангальт ва Тюрингия ландлари қушилиб 16 та булди. Шимолий Берлин Ғарбий Берлин билан қушилди.

Баден-Вюртембург ландининг майдони 35751 км², аҳолиси 10 млн.киши ва пойтахти Штутгарт шаҳри. Бу ланд Урта Неккара региони ва ланд маркази Штутгарт билан федерал ландининг иқтисодий ва маданий маркази ҳисобланади. Баден-Вюртембург юқори даражада саноатлашган, иқтисодий жихатдан кучли ва ланд ҳисобланади. Штутгарт ва унинг атрофида нафакат Дайм-Бенц АЖ, БОШ, ИВМ, СЕЛ еки Порше каби дунёга машҳур фирмалар, балки ланд иқтисодиётининг асосий қисмини ташкил қилувчи уртача фирмалар ҳам жойлашган. Кўпгина майда ва уртача фирмалар юқори санаб утилган йирик фирмаларнинг юқори даражада ихтисослашган, махсулот билан таъминловчи фирмалар ҳисобланади.

Урта Неккара иқтисодий зонасида нефтни қайта ишловчи карлсруз (аҳолиси 273000 киши) ва Хайдельбург (аҳолиси 136000 киши) ҳамда маиший Фрайбург (аҳолиси 189000 киши) ва Ульм (109000 киши) каби ишлаб чиқариш регионлари жойлашган.

Бавария республикасининг майдони 70554 км², аҳолиси 11,8 млн.киши, пойтахти Мюнхен (1,23 млн.киши). бавариянинг пойтахти аввал йирик немис аграр ландининг маданий маркази бўлиб, кишлок пойтахти ҳисобланган. 2-жаҳон урушидан сунг у "германиянинг фахрий пойтахти" деб номланган ва келажакка йуналтирувчи иқтисодий регион марказига айланади. Ландининг асосий шаҳарларидан булмиш Нюрнберг (993000 киши) шаҳри Неаполдан Стокгольмга, Лиссабондан Прага ва Вршавага элтадиган Европанинг марказий автомагистралада жойлашган, Фюрт ва Эрланген шаҳарлари билан Нюрнбергда ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари ривожланган. Нюрнбергда хар йили Халқаро уйинчоклар ярмаркаси утқишиш одат тусига кириб қолган. Ландининг шаҳарлари булмиш Аугсбургда (255000 киши) машинасозлик ва газламачилик саноатлари ривожланган. Гегенсбургда (121000 киши) янги электр саноати ва "ёш" "ВМВ" ривожлана бормокда. У ерда "ВМВ" маркали, Ингольштадтда ҳам машиналар ишлаб чиқарилади. Шимолий Бавариянинг Цвизель шиша заводи, Розентал ва Хутчентейтернинг чинни ишлаб чиқариш заводлари уз соҳаларини юқори кўрсаткичлар билан давом қиляптилар. Бавариянинг кўпгина ерларида ва шу қаторда Альп ва Альполди паст тоғликларида кишлок хўжалиги ва урмончилик жуда ривожланган. Узумчилик махсулоти булмиш "Франкон" виноси жуда қимматли ҳисобланади. Баварияда юзлаб вино тайерлаш корхоналари ишлаб турибди. Мюнхенда бўладиган Октябр байрамида машҳур Бавария пивоси барчага қатта кружкаларда тортик қилинади. Берлиннинг майдони 889 км², аҳолиси 3,4 млн.киши, пойтахти Берлин шаҳри. 2-жаҳон урушидан кейин Берлин 10 йилликлар давомида ғарблик голиблар ва Совет Иттифоқи орасидаги совук урушнинг маркази ва немис парчаланишининг рамзи бўлиб қелди. Хозирги даврга келиб ҳокимият

узининг аввалги чегараларига қараганда унди. Хисоб-китоблар шуни кўрсатадики, 2005 йилга бориб Берлиннинг аҳолиси 8 млн.дан ортади. Боғлар, урмонлар ва қўллар шаҳри бўлмиш "яшил" Берлинга зарар етказмай транспортни (куча транспорти, метро ва электрчиқалар, паромлар, ҳаво транспорти) замонавий талаблар билан ривожлантириш борасида кўп ишлар амалга оширилибди. Берлин ҳозиргача автомобилсозлик, озиқ-овқат, туқимачилик ва электр станциялари каби тармоқларга эга бўлган Европанинг йирик саноат маркази ҳисобланади. XIX асрда бу ерда Сименс АЖ ва "..." номли 2 та машҳур фирма ташкил қилинган эди. Улар "ахборот" асри бўлмиш XX асрга муваффақият билан кирб боришди. Бранденбургнинг майдони 29,053 км², аҳолиси 2,5 млн.киши, пойтахти Потсдам шаҳри. Бранденбург майдони бўйича янги федерал ландлар ичида йириги ҳисобланади. Кишлоқ ва урмон хўжалиги Бранденбург иқтисодиётининг асосий тармоқлари ҳисобланади. Майдонининг 35% ини урмонлар ташкил қилади. Кишлоқ хўжалигида бугдой, мойли экинлар, картошка ва қанд лавлаги, Берлин атрофларида ва Одербрухда мева ва сабзавотлар етиштирилади. Айзенхюттенштадт ва Коттбус Бранденбургнинг саноат регионлари ҳисобланади. Бу ерда энергетика ва химия саноатининг асосини ташкил қилувчи кунгир қумир казиб олинади. Берлиндан жанубда жойлашган Людвигсфельдда йиғиш заводида шу марказдаги юк машиналари ишлаб чиқарилади. Ишчиларнинг 23,6% и машинасозликда банд. Бранденбург иқтисодий усишдаги умидларини Берлин билан боғлайди. Келгусида Бранденбург билан Берлинни бирлаштириб, Потсдамни пойтахти қилиш режалаштирилмоқда. Бременнинг майдони 404 км², аҳолиси 684000 киши, пойтахти Бремен шаҳри. Бремен ландлар ичида энг кичиги бўлса ҳам унга қарашли бўлган Бременхафен шаҳри пойтахтдан 65 км. узоқликдаги масофада жойлашган. Бремен ландлар ичида энг кичик майдончилиги ва энг кам аҳолига эга эканлиги билан ажралиб туради. Бременда кемасозлик, самолётсизлик, космик кемалар қуриш саноат тармоқлари ва булардан ташқари машинасозлик, электр энергетика тармоқлари ҳамда озиқ-овқат ва ширинлик саноатлари мавжуд.

